УзССР Давлат китоб палатаси
4 НОЯ 1992

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 19 сентябрь, шанба №185 (21.283).



● Йиғим-терим илғорларидан намуна олайлик!

● Дўстлар мавсум арафасида дийдор кўришиб, маслаҳатлашиб олдилар.

● Пахтакорларни рағбатлантириш учун махсус мукофот жамғармаси ташкил этилди.

ЗВЕНОЛАР МАРРАГА ЕТДИ

● Қашқадарё вилоятида биринчилардан бўлиб машина теримига киришган Қосон районидаги қўриқ А. Набиев номли давлат хўжалиги звенолари бирин-кетин ғалаба рапортига имзо чекмоқдалар.

Хўжаликнинг Т. Боборажабов бошлиқ звеноси аъзолари бу йил 35 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар чўл шароитида биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 20 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиб, давлат режасини икки иш кунида оширибадо этдилар. Бу — машиналарнинг шарофатидир.

Звенода машина терими кун сайин авж олдирилмоқда. Чўлқуварлар ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнердан ошириш учун йиғим-теримни кучайтирмоқдалар.

Шунингдек, давлат хўжалигининг Ш. Мансуров бошлиқ звеноси заршунослари ҳам ғалаба манзилига етиб келдилар. Бу жамоа эл хирмонига 55 тонна «оқ олтин» тўкди. Далаларда ҳосил кўп. Йиғим-терим кун сайин, соат сайин кучайтирилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАРВОН ЙЎЛГА ТУШДИ

● Хоразм вилояти заршунослари жумҳурият мустақиллигининг бир йиллиги нишонланган мавсумда 310 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашга азму қарор қилишган. Ваъда қилинган бу катта хирмоннинг дастлабки 2250 тоннага яқини давлат омборларига ташиб келтирилди.

Вилоят деҳқонлари бу йилги ҳосилни табиатнинг минг бир машаққати ва қийинчиликларини ўзларининг мардонавор меҳнатлари билан енгиш эвазига етиштиришга мушарраф бўлишди. Ана шу ҳосилнинг 105 минг тоннадан ортиғи «зангори кема»лар билан йиғиб-териб олинади. Бунинг учун 1246 та терим агрегати сифатли ремонтдан чиқарилиб мавсумга шай қилиб қўйилибди. Қимматли хом ашёни йиғиб-териб олишда иштирок этадиган минглаб теримчилар, механизаторлар учун барча қулайлик ҳамда шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, бу йил уларнинг меҳнатига олдинги йиллардагига нисбатан 3-4 баравар кўп ҳақ тўлаш, илғорларни қўшимча моддий ва маънавий рағбатлантириш назарда тутилган. Шу мақсадда ҳар бир давлат ва жамоа хўжалиги ўзининг махсус мукофот жамғармасини ташкил этди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ АРАФАСИДАГИ УЧРАШУВ

● Оролбўйи — Хоразм, Қорақалпоғистон ҳамда Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти пахтакорлари ва шоликорлари бу йилги ўрим-йиғим стратегиясини муҳокама қилиш учун Хива шаҳрида тўпландилар. Пахта ҳосилининг етилиши кечикканлиги сабабли техникадан мумкин қадар тўла фойдаланиш тавсия этилди. Учрашувда деҳқончилик-саноат мажмуининг бошқа тармоқларидаги ишларнинг аҳволи ҳам таҳлил этилди минтақалараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди, тажриба алмашилди.

Учрашувда Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси К. Аширбеков, Тошҳовуз вилоят кенгашининг раиси С. Мотаев нутқ сўзладилар.

(ЎзА мухбири).

«Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига



● Рақс санъати юлдузи. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА

ДЎСТОНА СУҲБАТ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МОСКВАДАГИ ЖАМОАТЧИ МУХБИРИ ФАХРИДДИН ПАРПИЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ

●

МОСКВА, 18 сентябрь Бугун Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Юсуф Абдуллаев «Майнити» (Япония) газетасининг Москва бюроси мудири жаноб Рионти Микамэни қабул қилди.

Элчи унга мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ва эртанги куни, тарихи, миллий маданияти, урф-одатлари, илму фани, сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳақида батафсил гапириб берди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва республика ҳукуматининг халқ хўжалигини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим тадбирлари суҳбатдошлар диққат марказида бўлди.

И. Каримовнинг Афғонистон ва Тожикистондаги воқеаларга муносабати, минтақада осойишталикни сақлаб қолиш ва тинчликни барқарорлаштириш соҳасида олиб бораётган сиёсати ва БМТ Бош котиби Бутрос Галига мурожаатномаси суҳбатда асосий мавзуни ташкил этди.

Суҳбат чоғида илму фан ва техника тараққиёти йўлида Япониянинг дунёда тутган ўрни ва кўп соҳаларда ундан ўрнак олиб бориш масаласи алоҳида қайд этилди. Келажакда Ўзбекистоннинг бу ўта ривожланган мамлакат билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги таъкидланди.

Жаноб Рионти Микамэ ўз газетасига Ўрта Осиё, хусусан мустақил Ўзбекистон ҳақида туркум мақолалар ёзиши тўғрисида ўртоқлашди. Тошкентда «Майнити» газетасининг мухбирлар постини очишга, матбуот орқали Япония ва Ўзбекистонни янада яқинлаштиришга хизмат қилишини қайд қилди.

Дўстона суҳбат поёнида Ю. Абдуллаев жаноб Р. Микамэга Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини тақдим этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ

●

МИСР ДЕЛЕГАЦИЯСИ МЕҲМОНИМИЗ

17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Миср Араб Жумҳуриятининг вақф ишлари вазири доктор Муҳаммад Али Маҳғуб бошчилигидаги делегация қабул қилинди.

Делегация бошлиғи билан республика ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда икки томонлама муносабатлар масалалари, шунингдек, Ўрта Осиё минтақасидаги аҳвол тилга олинди. Хусусан, вазир меҳмонларга Тожикистон Республикасидаги вазият тўғрисида, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон — Афғонистон давлатлараро муносабатларини йўлга қўйишга доир ташаббуси ҳақида сўзлаб берди.

Доктор Муҳаммад Али Маҳғуб Ўзбекистон Республикаси бошлиғининг фаолиятини юқори баҳолади ва Ўзбекистон — Миср муносабатлари барча соҳаларда, шу жумладан, диний ҳамкорлик соҳасида муваффақиятли ривожланаверади, деб умид билдирди.

Суҳбат охирида вақф ишлари вазири Миср Араб жумҳурияти Президенти Муҳаммад Хусни Мубораknинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига йўллаган шахсий мактубини топширди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЭСТОНИЯ:

ҲАМКОРЛИК БИТИМИ

17 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Эстония Республикаси ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу битим иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан иккала давлатнинг манфаатдорлигига, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланган. Битим иккала мамлакатнинг турли хўжалик тузилмалари ўртасида бозор муносабатларини қарор топтириш учун қулай шарт-шароит яратишни кўзда тутади.

Тузилган аҳдномага мувофиқ энг муҳим маҳсулот турлари бир-бирларига мунтазам етказиб берилиши таъминланади. Иккала мамлакат ҳудудида савдо-иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган фирмалар ва ташкилотларнинг ваколатхоналарини очиш кўзда тутилган бўлиб, бу Ўзбекистон билан Эстония корхоналари ўртасида бевосита алоқа ўрнатишга кўмаклашади. Аҳдлашувчи томонлар четга маҳсулот сотиш ва четдан маҳсулот сотиб олиш хусусида бир-бирларига энг қулай шароит яратиб бериш мажбуриятини олдилар. Бир-бирларининг ҳудудларида ярмаркалар ва кўргазмалар ўтказиш ҳам режалаштирилди.

Битимни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев билан Эстония савдо вазири А. Тамм имзоладилар.

(ЎзА).

БУГУН САМАРҚАНДДА КАТТА ШОДИЁНА!

ХАЛҚАРО МУКОФОТЛАРНИ ШАҲЗОДАНИНГ ЎЗИ ТОПШИРАДИ

● Шаҳзода Оғахон қадимий ва навқирон Самарқандга қадам ранжида қилди.

Ҳурматли меҳмонни юртимизга чорлаган тадбир ҳақида илгари хабар қилган эдик. Оғахон халқаро мукофоти 1977 йилдан буён мусулмон давлатларида қад кўтараётган ва таъмирланаётган энг яхши ва ўзига хос иншоотлар учун таъсис этилган бўлиб, ҳар уч-тўрт йилда ғолибларга топширилади. Бундай тадбирнинг навбатдагиси 1989 йили Қоҳирада бўлиб ўтган эди.

Бу гал эса Самарқанд танланди. Қадимий шаҳримиз дунё нигоҳига тушаётганлиги қувончли, албатта. Шуни айтиш керакки, мукофотга даъвогар 259 иншоот орасида Регистон мажмуаси ва қайта таъмирланган Тошкент кўчаси ҳам бор. Булар халқаро танловнинг иккинчи босқичидан ҳам муваффақиятли ўтган. Бу ёғидан ҳам умидимиз катта.

Шаҳзода Оғахон Улуғбек маданий маркази лойиҳаси учун алоҳида мукофот эълон қилган эди. Ҳурматли меҳмон ташрифи чоғида ана шу танлов ғолибларига мукофотларни шахсан ўзи топширмоқчи. Бундан ташқари Самарқандга дунёнинг 127 мамлакатидан ҳамда ҳамдўстлик жумҳуриятларидан таниқли меъморлар, бинокорлар, муҳандислар ташриф буюришган. Бу ерда шарқ меъморчилиги масалаларига бағишланган халқаро семинар ҳам бўлади.

Ф. ТОШЕВ.

● Бугун Оғахон мукофотининг тақдимот маросими тантанали равишда ўтказилади. Бу унутилмас воқеа, шак-шубҳасиз, кўҳна ва навқирон Самарқанд ҳаётида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётганидан ҳам далолат беради.

Муҳаммад пайғамбарнинг бевосита авлоди



Женева шаҳрида 1936 йил 13 декабрда таваллуд топган Оғахон жаноблари Муҳаммад пайғамбарга унинг амакиваччаси ва куёви ҳамда биринчи Имом Ҳазрат Али ва қизлари Фотима орқали бевосита авлод бўладн. У болалигининг илк чоғларини Найроби—Кенияда ўтказган, сўнгра 9 йил давомида Швейцарияда — Ле Роузи Скул (мактаб)да ўқиган. 1959 йилда Оғахон Гарвард дорилфунунини имтиёзли тугаллаб, Ислом тарихи бўйича мутахассис бўлиб етишади.

Оғахон жаноблари 1957 йилнинг июлидан бошлаб, яъни 20 ёшдаёқ бобоси Султон Муҳаммад Шоҳ Оғахондан сўнг Имом Исмоил таълимотини тутган мусулмон шиаларнинг 49-имоми бўладн.

Оғахоннинг Малика Захро, Шаҳзода Раҳим ва Шаҳзода Ҳусайн исмли фарзандлари бор. Рафиқаси Бегим Салима умр йўлдошининг сафарларига доимий ҳамроҳлик қилиб, тиббий ва маорифий дастурларга алоҳида қизиқиш билан қарайди.

Оғахон оиласининг охирги авлодлари халқаро ишларда фаол қатнашиш анъанасига риоя қилиб келганлар. Чунончи унинг бобоси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Миллатлар Лигасининг президенти бўлган, отаси Шаҳзода Али эса Покистоннинг БМТдаги вакили эди.

Ислом жамиятининг келажаги Оғахонни доимо қизиқтирган ва диққат марказида бўлиб келган. Ўтмишда бобоси шуғулланганидек, у ҳам ислом жамиятининг интимоий ва маорифий даражасини ошириш борасида тинмай иш олиб бормоқда. Инсонпарварлик фаолияти учун Покистоннинг Пешавор ва Синда, Канаданинг Мак Мастер ва Мак Жилл ҳамда Лондон дорилфунунлари Оғахонга фахрий даражалар берганлар. Оғахон имомлик вазифасини бажариб келаётган 1957 йилдан бери исмоилийлар яшайдиган кўпчилик мамлакатларда талайгина иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Бунда 1976 йилда асос солинган ва бирон бир диний эътиқод билан чегараланмаган ташкилот — Оғахон жамғармаси муҳим роль ўйнади.

Оғахон жамғармаси ўз олдига инсонпарварлик йўллари билан одамлар фаровонлигини оширишдек олижаноб вазифани мақсад қилиб қўйган. Жамғарма бу ишларни кўпроқ муҳтожлик сезувчи Осиё ва Африкада ўтказишга интилади. У ўзининг Женевадаги штаб-квартираси, АҚШ Канада, Португалия, Буюк Британия, Кения, Бангладеш, Покистон ва Ҳиндистондаги бўлим ҳамда филиаллари орқали миллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди, Жамғарма бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро тараққиёт бўйича Канада агентлиги, Болаларга ёрдам халқаро жамғармаси ва Дунё озиқ-овқат дастури каби 35 та нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик қилмоқда. Унинг фаолиятига маориф, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қайта тикланаётган табиий ресурсларни бошқариш кабилар билан боғлиқ дастурлар киради. Жамғарма, шунингдек, ўқув дастурлари, стипендияларни маблағ билан таъминлайди. Айрим ҳолларда эса ўқиш ёки саёҳат учун якка тартибдаги нафақаларни ҳам ажратади. Унинг барча дастурлари бирон бир диний эътиқод билан чегараланмаган эмас. Демак, жамғарма барча эрк ва дин аҳли учун очиқдир.

Хуллас, Имомат раҳбарлиги ва Имом сифатида Оғахоннинг ўзи ислом анъаналарига риоя қилган ҳолда диндорларнинг нафақат маънавий фаровонлигига, балки уларнинг ҳаётлари даражасини яхшилашга ҳам муттасил эътибор билан қарайди.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН «ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ТОШКЕНТ ДАРВОЗАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ПОЧТА ҚУТИСИ ЎРНАТИЛДИ

АВИАКОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИКДА ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИНИНГ ЙЎЛОВЧИЛАР ШАҲАРГА ЧИҚАВЕРИШ ЖОЙИДА ХАТ-ХАБАРЛАР ҚУТИСИ ЎРНАТИЛДИ.

АЗИЗ ГАЗЕТХОН! Мустақиллик шарофати билан эркин фикрлаш замони бошланди. Шу кунларга етказганига шукур. Энди сизлар ўзингизни қизиқтираётган, ўйлантираётган, қолаверса, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида, кўрган билганларингиз хусусида, истиқомат жойингиз-у ишхонангиздаги ибратли ва савобли тадбир, маросим ҳамда воқеалар борасида бизга тортинмай, батафсил ёзиб юбориш учун саъй-ҳаракатлар қиляпсизлар. Биз бунинг учун сизлардан миннатдормиз.

Маълумки, почта қутисига ташланган ҳар бир мактуб таҳририятимизга етиб келгунга қадар камида 2—7 кунлик вақтни олади. Бу орада айрим янгилик ёки долзарб мавзудаги масалаларнинг кечикиши табиий. Зеро, кейинги пайтларда газетхонларнинг миннатдор фикрлари, ташвишли гапларни, йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида куйиниб ёзган хатлари кўпаяётгани сезилмоқда. Бундай ёзишмаларни тезроқ олиш, фикрларни қиёмига етказиш ва зудлик билан газетхонларга ҳавола қилиш мақсадида ўзига хос қулайлик яратишга аҳд қилинди.

Ўйлаймизки, «Ўзбекистон овози» деб ёзилган мовий рангли қути кўпчиликнинг узоғини яқин қилишга имкон беради. Чунки, шаҳримизга ташриф буюрган меҳмон ўзининг ёки ундан бериб юборилган мактубини ана шу қутига ташлаб, ҳар жиҳатдан ютиши мумкин. Қутидаги хат-хабарларни ҳар куни редакцияга етказиш ва уларни кўриб чиқишга кафолат берилади.

Бу хайрли ишнинг бошланиши. Ўрнатилган қутидан ўз мухбирларимиз, жамоатчи мухбирлар ва бошқа иштиёқмандлар самарали фойдаланадилар, деб умид қиламиз. Бундай қутиларни Тошкент вокзали ва автостанциялар каби гавжум жойларда ҳам ўрнатиш ниятимиз бор.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН «ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАҲРИРИЯТИ.

● ТОЖИКИСТОН ДАРДИ БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ҚЎШНИНГ ТИНЧ—СЕН ТИНЧ

Ўзбекистон меҳнаткашлари қўшни Тожикистонда бўлаётган воқеалардан ниҳоятда ташвишланмоқдалар. Улар бу минтақадаги низо дарҳол тўхтатилиб, тезроқ тинчлик ва осойишталик ўрнатилишини истаётирлар.

— Корхонамиз ишчи ва хизматчилари, — деди Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Хайрулла Акбаров, — қўшни Тожикистондаги воқеалардан ҳавотирланмоқдалар. Ён қўшни — жон қўшни, деган халқимизнинг ажойиб нақли бор. Қўшнинг тинч — сен тинч. То Тожикистонда тинчлик ўрнатилмас экан, бизнинг халқимиз ҳам тинч бўлолмайди.

Корхонамиз Хўжанддаги шойи комбинати меҳнат аҳли билан кўп йиллардан буён алоқа боғлаб келмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини тобора ўстириш шу ҳамкорлигимизга боғлиқ, албатта. Биз комбинатдан астар ва бошқа маҳсулотлар олиб ишлаймиз.

Яқинда бирлашмамизда Тожикистондаги воқеалар муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар Тожикистонда бўлаётган жанжалларни қатъий қоралашди. Улар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Ўрта Осиёнинг ана шу минтақасидаги аҳвол муносабати билан БМТ Бош котиби Бутрос Гали жаноблариға йўллаган мактубини қизғин маъқулладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

БУГУНГИ СОНДА:

● Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. (1-БЕТ).
● Моҳир сўз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг адабиёт ҳақидаги ўй лари (2-БЕТ).
● «Ойнаи жаҳон» ҳафталик дастури (3-БЕТ).
● Қизиқиш-қидирмиш (4-БЕТ).

• *Абдулла ҚАҲҲОР таваллудининг 85 йиллигига*

МОҲИР СЎЗ УСТАСИ



ЧИНАКАМ асар вақт ва маконда чегара билмайди. Бундай асарлар ҳамишалик ҳар бир давр учун руҳий озуқадек ўз аҳамиятини камайтирмайди. Аксинча давр ўтган сайин бу каби асарларнинг таъсир қуввати ортиб, уларнинг мухлислари кўпайиб боради. Ўзбек насрининг етук намояндаси Абдулла Қаҳҳор ҳақида гапирганда шубҳасиз, ана шундай катта ижод соҳибини, чинакам сўз устасини назарда тутамиз. Адибнинг қайси бир мавзудаги асарларини олиб кўрмайлик, унда ёзувчининг дард билан, чуқур куйинчаклик билан ҳаёт муаммоларини адабиётга олиб кирганлигининг гувоҳи бўламиз. Адабиётни чинакам маънавият манбаига айлантириш йўлидаги уринишлар ёзувчини нақадар ташвишга солган бўлса, сўз санъатининг муҳим унсури тил эканини таъкидлаб, бадиий адабиёт тилига шунингдек, ўз она тилимизнинг тозалиги, бойлиги учун жонфидойи бўлишга даъват этганлиги ҳақиқий халқ ёзувчисига хос фазилатдир. Адибнинг миллий маданиятимизни юксакликка кўтариш, она тилини билмаган кимсанинг иккинчи тили, ҳатто рус тилини ҳам пухта эгаллай олмаслик ҳақидаги фикрлари, тил муаммоси давлат муаммоси ва ижтимоий тузум муаммолари билан чамбарчас боғлиқ масалалар эканлиги ҳақида билдирган мулоҳазалари, айниқса қадрли.

Айрим кимсаларни адабиёт керакми деган мулоҳазагача олиб келган бугунги кунда эса адабиётнинг қувватини атомга тенглаштирган Абдулла Қаҳҳорнинг фидойи санъаткор сифатидаги бақувват овози янада жозибалироқ жарангламоқда. Моҳир сўз устаси таваллудининг саксон беш йиллиги нишонланаётган айни кунларда унинг адабиётимиз ҳақидаги ўйлари, ён дафтарларда қолган антиқа фикрларини ҳукмингизга ҳавола қиламиз, азиз муштарий.

АДАБИЁТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

МЕҲНАТКАШЛАРНИ ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳамма тарбия воситалари, ҳамма пропаганда қуроллари орасида адабиёт алоҳида ўрин тутади. Адабиёт фақат мавжуд кишиларни эмас, келажак авлодларни ҳам тарбиялайди. Кишилар онгига сингдиришда ватанпарварлик руҳини санъат ва адабиёт ўйнаган ролни қилич ва қамчи ҳам ўйнаган эмас.

Адабиёт нақадар ўткир бўлса, шу қадар нозик қурол, унинг ўтмасланиб қолиши ҳеч гап эмас. Унинг ўткирлиги ўқувчини ўзига торта олиш, ўтмасланиши ўқувчини ўзидан бездириб қўйилишидан иборат. Китоб ўқишлик бўлса ўқувчи уни ўқийди, демак ёзувчи ўқувчини асир қилади. Китоб ўқишлик бўлмаса ўқимайди, демак ёзувчи қандоқ олижаноб ниятда бўлмасин, ўқувчи унинг яқинига ҳам боролмайди. Бундай вақтда сўз бир асарнинг тақдири бир ёзувчининг обрўйи тўғрисидагина эмас, адабиётга етган зарар тўғрисида боради. Шунинг учун китобларимизнинг тиражи масаласи, Ўзкитоб баъзи бир китобларимизни олмасликка ҳаракат қилиши ёки мумкин қадар камроқ сўраши, нашриёт баъзи қўлёзмалардан безиллаши ёзувчилар жамоатчилигини ташвишга солиши керак. Биз бунга бефарқ қарайдиган бўлсак, китобхонни адабиётдан бездириб, бу ўткир қуролни ўтмас қилиб қўйишга йўл олган бўламиз.

Адабиётни бу хилда бебурд қиладиган, бу қуролни занглатиб қўядиган ҳар қандай бепарволик, либерализмга қаттиқ зарба бериш керак. Ёзувчидан бутун истеъдоди ва билимини ишга солишни, тер тўкиб меҳнат қилишини талаб қилиш зарур.

Биз кейинги вақтларда бу қуролнинг мана шу нозик томонига унча эътибор қилмадик. Бу нарса дидли китобхоннинг ғашини келтирадиган ва магазин пештахтасига шубҳа билан қарайдиган, ҳали суяги қотмаган китобхоннинг дидини бузадиган китобларнинг ҳам босилиб чиқишига хийлагина кенг йўл очиб берди. Баъзи ҳалол бўлмаган кишилар бундан фойдаланиб бир вақтлар ёзилган ва ўз даврида ҳам ҳеч кимнинг диққатини ўзига тортмаган асарларини тўплаб бостириб чиқардилар. Шуларнинг натижасида китоб бозори маълум даражада булғанди. Бу нарса ёшларнинг ижодига салбий таъсир қилди. Бунинг акси театрлармизга ҳам урди. Хусусан, музикали драма театрлари саҳнасига танқиддан тубан нарсалар чиқиб кетди. Бунинг устига танқидчиларимизнинг кўпгина қисми асарни таҳлил қилмай, балки унинг «тўғри» ёки «нотўғри» жойларини қидиради. Шунинг учун ёзувчи олдига бадиий маҳорат талабларини қўёлмайди. Демак, биз бу китобларнинг на яхши томонларини пропаганда қилдик, на нуқсонларни кўриш ва тўғри тушунишда ўқувчига ёрдам бердик.

Адабиёт олдида турган энг муҳим вазифа етти йиллик қаҳрамонларининг ёрқин образларини чизиш, қўлдан қўймай, шавқ-завқ билан ўқиладиган асарлар яратишдир. Ҳозирги вақтда адабиётимизнинг юзига соя солиб турган нарсалардан бири бадиий маҳорат тўғрисида кўп гапирилса ҳам бу талабни қаттиқ қўймаслик, иккинчиси кўпгина ёзувчиларнинг ҳаётдан узоқлиги, ҳаётий конфликтлар тополмай асарини уйдирма конфликтлар асосига қуришидир. Бу ҳол ҳозирги вақтда хавфли бир тусга кирди. Бу ҳол хусусан ҳикоячиликда, музикали драмаларда ёрқинроқ кўринади.

ЁН ДАФТАРДАН

● Тилчиларимиз рус тилининг қонун-қоидасини механистик равишда ўзбекчага кўчиртиришяпти, лекин бу қоидалар ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб чиқмагани учун бошбошдоқликлар ҳукм суряпти.

Ўзимизнинг тилимизни рус тили орқали ўрганамизми?

«ъ»—ни тўғри қўйиш учун «ъ» (айириш белгиси) қўйиладиган ҳамма рус калималарини ёд билиш керак.

Нима учун коммунизмнинг марказий тили рус тили бўлиши керак? Ленин, Пушкин сўзлаган тил бўлгани учунми? Немис тилида Маркс, Гёте сўзлаган-ку!

Рус тили коммунизмнинг марказий тили бўлади дейиш жаҳон миллатларини чўчитмайдими?

● Тил алифбога эмас, алифбо тилга мувофиқ бўлиши керак!

«Сиёсий обрў» орттирмоқчи бўлган «тилчилар» тилимизнинг тараққиётига тўсқинлик қиляпти.

● Булар тилга мувофиқ алифбе тузиш ўрнига, тилни ўзлари ўйлаб чиқарган алифбога мувофиқлаштиришмоқчи. Булар, ҳайрият ҳам фалакиётга аралашмайди, йўқса ўзларича жадвал тузиб, «қуёшга «шу жадвалга мувофиқ тутиласан» дейишар эди.

25/VIII — 44 йил.

● Агар сен ҳақиқатни айтгани амалингдан қўрқсанг ёш жоним бор десанг, қўй, мен гапирай: менинг амалим йўқ, ёшим ҳам бир жойга борган! Сен тескари қараб тур, мен айтай!

● Мен бу муттаҳамнинг номини айтмайман, чунки булар битта эмас, яна туғилиши мумкин. Мен мисол учун биттасини айтсам, ўнтаси эркин нафас олади.

Менга ҳарф танитган ўқитувчим эски ўзбек зиёлиларидан бири бўйи баравар китоб ёзувчи ҳақида гапирганда уни «Толстой ҳазратлари» деган эди. Шундай деганда бу ҳазрат қайси дин ва қайси миллатдан эканини сўраш ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Толстой дарҳақиқат, миллий доирадан чиқиб кетган, номи ҳеч қандай чегарани билмайдиган буюк инсон, буюк адиб эди.

● Мамлакатимизда Хрушчев «ҳукмронлиги» узундан-узоқ момақалдироқ бўлди-ю ўтди. Момақалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта умид-орзулар пайдо қилди, халқлар бунинг кетидан келадиган оби-раҳматни кутди, бироқ момақалдироқ, шамол-тўполон қилдию, оби-раҳматдан бир томчи ҳам томмади. Халқ мақоли бор: момақалдироқ ёмғири билан бўлса яхши бўлади.

20/X—64 йил.

● Культ даври адабиётимизга катта зарар етказди. Бир қанча ёзувчиларимизни культ комига тортдигина эмас, адабиётимизни ёлғончилик, кўзбўямачилик қилишга мажбур қилди.

● Адабиётимизнинг катта бир отряди қириб ташланди: қисман адабиёт доирасидан четлатилди, қисман ўлдирилди, қисман майиб қилинди. Майиб қилинган адиблар бугунгача ҳам қўлтиқ таёғини ташлаганича йўқ.

● Ёзувчилик қийин иш бўлиб қолди. Тарихда от қолдирай десанг, замондошларинг юзингга қора суркайди, замондошларим юзимга қора суркамасин десанг тарих юзингга қора суркайдиган гапларни гапиришга мажбурсан.

● Агар камчиликларимизни очиқ айтиб унга қарши курашсак мамлакатда бунақа чириш бошланмас эди.

● Карьерист эшакнинг қулоғига тушган канага ўхшайди. Уни қон чиқармай юлиб ташлаб бўлмайди.

● Павлик Морозовни ўз замонида намуна қилиш керак бўлгандир, лекин ҳозир нега унга ҳайкал қўйиб, ота билан бола ўртасига ханжар қўямиз?

● Бутун матбуот радио пахта, темир-терсак тўғрисида гапиради. Ўзингдан каттага салом бер, ота-онангни ҳурмат қил деган гапни ким айтади?

● Болалар она тилини билмайди, баъзилари она тилида гапиришга уялади.

● Бизга гугуртни рус халқи эмас, капитализм олиб келган. Руслар бизга темир йўлни «укаларим тушиб юрсин» деб олиб келганми, капитализм хом ашё ва мол ташиш учун олиб келганми?

● Рус империализми келтирган «маданият»:

Арақ.

Лаззатли нисо.

Ажойибул маҳлуқот ва ҳоказо...

Кишининг иззат нафсига тегадиган гаплар:

— Ўзбек халқи гадо!

— Нега? Ўзбек халқининг ўша вақтда санъати, маданияти бўлмабдими?

— Пахта оримиз, номусимиз!

— Нега? Ўзимиз яратган нарсага ўзимиз чўқинамиз?

● Баъзи раҳбарлар, бир грамм пахта нобуд бўлмасин, деб шовқин солади, лекин тонналаб пахта берадиган пахтакордан бирон мартаба ҳолинг нима, нима еяпсан, нима кияётибсан, қаерда турибсан, деб сўрамайди.

● Сут топшириш планини ошириб бажаради, ортиқчасини бозорга элтиб сотади, лекин касалхонада туғиб ётган аёлга бир пиёла қаймоқ бериш хаёлига ҳам келмайди.

● Хотинларимиз меҳнатдан вақт орттириши шарт. Ҳар қандай яхши ясли ҳам онанинг бағридан иссиқроқ бўлишига ишонмайман.

● Агар биз ўз вақтида машинани қўлласак, муҳандисга ёрдам берсак, ҳозир хотинларимиз бўйнига 15 тонна пахтани осиб юрмас эди.

● Қачон хотинларимиз роҳати бадан қўйлакларни кийиб ўзига оро бериб кўчада юради? Қачон ўзига, боласига қарайди?

● Пахта теришда пора баробарига справка берилади. Мамлакатимизда ҳеч бир жиноят порадай хавфли эмас, чунки пора давлат идорасини ичдан чиқаради, халққа ҳукуматнинг афтини қийшиқ қилиб кўрсатади.

● Ғинг демасингдан бурун «Хўш, ўртоқ, қаршимисан?» деб ёқангдан ушлайдиган замонлар ўтиб кетган-ку!

Нашрга тайёрловчи
Кибриё ҚАҲҲОРОВА.

1. 2. 3.

ДИД БИЛАН

Термиз шаҳридаги «Дўстлик» боғида «Ғунча» номи берилган шинам қаҳвахона эшиклари ҳўрандалар учун очилди. Уни «Равшан» акционерлик жамияти қурган бўлиб, бир йўла юз нафар ҳўрандага хизмат қилади. Шундан 50 ўрин залда жойлашган, қолган қисми — очиқ ҳавода.

Янги қаҳвахонада ўзбек миллий таомлари, музқаймоқ, чанқовбосди ичимликлар дастурхонга тортилади. Қаҳвахонани маҳаллий дзайнерлар дид билан безатишди. (ЎзА).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● АНДИЖОН

ҲУНАРМАНДЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛДИ

● **АНДИЖОНДА ҳунармандчиликнинг ўзига хос тарихи бор. Бу ерда халқ ҳунармандлари расталари мавжуд. У очиқ музей номи билан машҳур. Ҳунармандлар кунини нишонлаш анъанага айланган. Яқинда кулоллар, ўймакорлар, мисгарлар, пичоқчилар, каштачилар, дурадгорлар, заргарлар ва бошқалар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни намойиш этдилар.**

Избосканлик ўймакор уста Йўлбарс Ўтаганов ва унинг шогирдлари Ўринбой Қирғизов, Ғафуржон Абдураззоқов томонидан кўрик-кўргазмага қўйилган хонтахта, республика герби туширилган «Мустақиллик китоби» ажойиб нақшинкор эшиклар, жавонларга кўпчилик қойил қолди. Шу райондаги «Ҳунарманд» кичик корхонасининг ўймакор устаси Мирзаҳмад Насибиддиновнинг Нью-Йорк шаҳрида очиладиган савдо маркази учун тайёрлаган эшик, хонтахта ва сўри каби ишлари унинг нозик дид эгаси эканлигидан далолат берди. Уста Йўлбарс ва Мирзаҳмад тайёрлаган маҳсулотларга шу ернинг ўзидаёқ савдо битимлари тузилди. Йўлбарс Ўтаганов Маккаи Мукаррамага бориш учун бир ҳафталик йўлланма билан мукофотланди.

Андижон шаҳридан кулол Муҳаммадали Ҳайдаров ва шаҳрихонлик пичоқчи Содиқжон Неъматов видеомагнитафон билан, якка тартибда меҳнат қилувчи косиб Мусахон Мухайдулло ўғли, заргар Қодиржон Фозилов, андижонлик атлас тўқувчи Умидахон Алиева, 5-ўрта мактаб устаси Одилжон Маматқулов рангли телевизор билан, 10-ҳунар-техника билим юртининг устаси Маҳбуба Умарова музлатгич билан тақдирланишди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,

● ТОШКЕНТ

ТЎЙ ЖАМҒАРМАСИГА БИР МИЛЛИОН СЎМ ТУШДИ

● **ҚИБРАЙ районида катта савобли ишга қўл урилди. Бу ерда улкан тўй ўтказилиб, етти минг кишига ош берилди. 131 нафар кичкинтойнинг қўлини ҳалоллаш тантаналарига, келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари ҳам уланиб кетди.**

Бу маросимга ўн мингга яқин киши тўпланди. Болалар уйида тарбияланувчилар, етим-есирлар, ногиронлар ва ночор оилалар фарзандларидан иборат болалар суннат тўйига жуда кўп совға-саломлар аталди. Вилоят ҳокимлиги тўйга от, «Наврўз» жамғармаси юз минг сўм пул тўёна қилди. Тўй жамғармасига бир миллион сўм атрофида маблағ келиб тушди.

Тошкент районида ҳам бундай савобли тадбирларга ўринли аҳамият берилмоқда. Бу ерда ҳам 146 нафар кичкинтойнинг суннат тўйи ўтказилганди. Куни кеча эса 20 жуфт келин-куёвнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Бахтиёр ёшлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини зиёрат этишди. Алишер Навоий ҳайкали ва Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди. Кечқурун байрамона безатилган майдон узра карнай-сурнайлар садоси янгради. Барча хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналардан келган меҳмонлар келин-куёвларни қутлуғ кунлари билан муборакбод этиб, уларга бахт-саодат тилашди.

Район муассасалари ҳар бир жуфт- келин-куёвга саруполар, уй жиҳозлари совға этишди.

Абдунаби МАННОПОВ.

«АКАМ ҲАҚИДА»

● **Узоқ йиллар республикамизга раҳбарлик қилиб келган атоқли давлат ва жамоат арбоби ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги жумҳуриятимизда кенг нишонланмоқда.**



Халқ қалбида ўчмас из қолдирган бу беназир инсоннинг ўзи яшаган оғир ва мураккаб даврда халқимиз келажаги ва Ўзбекистон тараққиёти йўлида қилган эзгу ишлари ёдга олинмоқда, музейини ташкил қилиш, номини абадийлаштириш, асарларини чоп этиш режалаштирилмоқда, хотиралар мажмуаси яратилмоқда.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг шу йил 3 июль сонида таниқли олим ва таржимон Асил Рашидовнинг «Акам ҳақида» деб номланган хотиралари эълон қилинган эди. ЎзФА «Фан» нашриёти ушбу хотираларни шу номда алоҳида китоб ҳолида нашр қилди.

Ҳаётий воқеаларга бой, давлат арбоби ва ёзувчининг инсоний фазилатлари ҳамда вафотидан сўнгги изтиробли тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур китоб 100 минг нусхада чоп этилган, турли йилларда олинган суратлар билан безатилган.

ДЎКОН ТАЛАБАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Талабалар шаҳарчасидаги шу йил январь воқеаларидан сўнг студент ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш, уларга етарли миқдорда ёрдам кўрсатиш ҳақида кўп гапирилди. Хўш, амалда қандай ишлар бажарилди? Очиғини айтиш керак, бугунги иқтисодий тақчиллик пайтига қарамай ҳукуматимиз талабаларга катта ғамхўрлик кўрсатяпти.

Яккасарой туманидаги 28-магазин Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат ҳамда Тошкент Шарқшунослик олийгоҳлари талабаларига хизмат қила бошлади.

— Дўкон қатъий рўйхат асосида хизмат кўрсатади, — дейди магазин мудири Музаффар Зокиров. — Асосий харидорларимиз — талабалар. Биз уларнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамма турларини муҳайё қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Талабалар бундан мамнун бўлишяпти.

— Шу дўкон бизнинг тасарруфимизга берилганидан буён қийинчиликдан холи бўлдик, — дейди Тошкент Шарқшунослик олийгоҳи талабаси С. Муродов, — истаган нарсамизни харид қилишимиз мумкин. Стипендия олсак, овқатланиш учун талон берилса, бизга фақат яхши ўқиш қолади, холос.

Дарҳақиқат, шаҳарчада ёшлар маскани қурилиши бошланган. Ётоқхоналар таъмирланмоқда, маиший масканлар жиҳозланди. Янги очилган ошхоналарда талабалар арзон нархда хилмахил таомларни тановвул қилишади. Жумҳурият Ёшлар иттифоқи йигит ва қизларнинг ўқиш, дам олиш шароитини яхшилаш режаларини ишлаб чиққанининг гувоҳиямиз. Бу хайрли ишларнинг барчаси ҳукуматимизнинг, қолаверса, Республика ёшлар иттифоқининг маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда.

Соҳиб САЛИМОВ.

● МУШТАРИЙ ХАБАР БЕРАДИ

Давлат тили ҳақидаги Қонун қандай бажарилмоқда?

АВВАЛО, МИЛЛИЙ ҒУРУР КЕРАК!

● **ОНА ТИЛИМИЗГА давлат мақоми берилганлигига учинчи йил тўляпти. Хўш, бу давр ичида нималарга эришдик! Унлаб йиллар давомида кўринмас чегара билан чеклаб қўйилган тилимизни қай даражада мақомга кўтардик! Ёки берилган имконият — Қонундан етарлича фойдалана олдикми! Қуйида мазкур саволлар атрофида баҳоли қудрат сўз юритишга ҳаракат қилмоқчимиз.**

ТИЛИМИЗГА Давлат мақоми берилгач, Олий Кенгаш сессиялари, қурултойлар ўзбек тилида олиб борила бошланди. Ўрис таълимидаги синфларда олдинлари ҳафтасига икки соат ўзбек тили фани ўтилса, эндиликда уч соат ўқитиладиган бўлди. Тил ўргатиш курслари ташкил қилинди. Эски ўзбек ёзуви мактаб ўқув дастуридан ўрин олди.

Бутун Ўзбекистонда жой номлари, атамашунослик масалалари билан шуғулланувчи жумҳурият, вилоят, шаҳар ва район комиссиялари иш бошлади. Ва бу борада биргина пойтахтда беш юздан ортиқ кўчалар, мавзелар, даҳалар, юздан ортиқ мактаблар, йигирмага яқин истироҳат боғлари, ўндан ортиқ кинотеатрлар, ўнга яқин метро бекатлари, бешта район номи қайта кўриб чиқилиб, ўзгартирилди. Чунончи, уч юзга яқин ҳеч бир мазмун касб этмайдиган «Фигурная», «Полевая», «Урожайная» каби атамалар, Ленин, Энгельс, Луначарский, Фрунзе каби юзга яқин шахслар исми олиб ташланиб, улар ўрнига Амир Темур, Темур Малик Турон, Буюк ипак йўли каби тарихий шахслар номи ва тарихий атамалар тикланди.

СИРТДАН қараганда, тилимизга Давлат мақоми берилган Қонун асосида кўпгина ишлар амалга оширилгандек туюлади. Аммо чуқурроқ ўрганилса, ҳали ҳам анчагина нуфузли вазирликлар ва уларга қарашли идора, ташкилот ҳамда бошқармаларда «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун ижросига панжа орасидан қаралаётганини кўриш мумкин.

Бир вақтлар «хўжакўрсин» қабилидаги дабдабабозлик авжига чиққан даврда айниқса, Савдо вазирлиги (ҳозирги «Ўзбексавдо» уюшмаси) ва пойтахт савдо Бош бошқармаси) ҳозирда «Тошкентсавдо» концернига қарашли дўконлар тепасига чироқли пешлавҳалар ўрнатиш расм бўлганди. Натижада «Сувенири», «Одежда», «Цэнтральный универсальный магазин», «Дом обуви», «Ткани» каби чироқли пешлавҳалар кўпайиб кетган ва ҳамон уларни олиб ташлаш ҳақида савдодаги мутасаддилар бош қотирмаяптилар. Айрим заргарлик дўконлари деворида «Жемчуг», «Аметист» каби пешлавҳаларга кўзингиз тушиши мумкин. Балки савдодаги «билағонлар»: — «Ўзбекча муқобили ҳам бор-ку!» дея эътироз билдиришар. Лекин Қонуннинг 24-моддасида жой номлари ягона Давлат тилида битилиши белгиланганлигини уларга эслатиб қўймоқчимиз.

ЖУМҲУРИЯТ ИЧКИ ИШЛАР вазирлигига қарашли айрим ташкилотларда ҳам аҳвол яхши эмас. Масалан, вазирликнинг «Марказий тиббиёт маскани»да (раҳбари А. Жумонов) ахборот-кўрсаткич лавҳалари юз фоиз ўрисча. «Беш дақиқа»лик йиғинлар фақат ўрис тилида олиб борилаланган куни биз ҳам оламиз», деганди. Унинг бу изоҳи шу йил май ойида «Тошкентном»а эшиттиришида ҳам берилган. Лекин у сўзининг устидан чиққани йўқ. Ёки текширувчилар фақат текширади, назорат қилмайди, деб ўйладимикан?.. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Ва бу салбий кўринишларнинг сабаби битта: бу ҳам бўлса айрим вазирликлар ва бошқармалардаги мутасаддиларда миллий ғурурнинг етишмаслигидир! Айнан шу боисдан ҳам шаҳар раҳбарияти томонидан чиқарилган қарорлар ижро этилмай қолган. Масалан (ўша вақтдаги) Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг «Шаҳардаги айрим кўчалар номини ўзгартириш ҳақида»ги 1991 йил февраль ойи 14/1-сонли қарори билан 167 та кўча номи ўзгартирилганди. Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан бир неча ўн минг сўм ҳаражат қилиниб, янги номдаги кўрсаткичлар тайёрланган. Ва барча районларга бўлиб берилган. Аммо кўплаб район раҳбарлари, ободонлаштириш бўлимларидаги мутасаддиларнинг лоқайдлиги боис янги кўрсаткичлар ўрнатилмаган, аҳоли қайта рўйхатдан ўтказилмаган, ички ишлар почта, алоқа, тез ёрдам, ўт ўчириш ташкилотлари хабардор қилинмаган. Натижада ҳозир чалкашликлар юзага келиб, шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси билан аҳоли ўртасида тушунмовчиликлар юз бермоқда. Яъни, аҳоли кўча номи ўзгарганидан бехабар бўлганлиги учун ҳам бизга қайта мурожаат этмоқда. Биз ўз ишимизни йиғиштириб қўйиб, райондаги мутасаддилар билан мажлисбозлик қилишга мажбур бўлмоқдамиз. Наҳотки, «чайнаб оғзига солиб қўйилган луқмани ютиш — тайёр кўрсаткични ўрнатиб, эскиларини олиб ташлаш ва аҳолини қайта рўйхатдан ўтказиш шунчалик қийин бўлса?

Қонун ижросидаги лоқайдлик, ҳатто менсимаслик юз бераётганлигининг яна бир катта сабаби бор. Бу ҳам бўлса, асосий ўринларда, яъни молия-режа, ҳисоб-китоб, иш юритиш каби соҳаларда миллий (маҳаллий эмас!) мутахассислар жуда оз эканлигидир. Бу кўрсаткич биргина пойтахтда қирқ фоизни ҳам ташкил қилмайди. Натижада миллий юксалишга қаратилган кўплаб тадбирлар ора йўлда қолиб кетмоқда. Ҳатто бу соҳалардаги аксар ўзбеклар ўз она тилисини тузукроқ билмайдилар. Бу — айни ҳақиқат! Тан олиш керакки, паспортига ЎЗБЕК деб ёзилиб, ўзи эса бир умр ўрисча ўқиб, ўрисча ёзиб, ўрисча гаплашиб, ўрисча тарбия топиб, ўрисча иш юритаётганлар кўпчилик. Ҳозир шулар кўплаб раҳбарлик лавозимларида ёки раҳбарларга маслаҳат берувчи ишларда. Ундайларнинг ҳамон ошиғи олчи. Негаки, ҳали ҳам эски усул — ўрис тилида ҳамма хат-хабару мажлис матнлари ва қарор лойиҳаларини ўзбекчалаштириб берадиган ТАРЖИМОНЛАР доимо уларнинг хизматида. Таржимонга тўланаётган минг-минг сўмлик маошни таъбир жоиз бўлса, мен лўттивозликни ниқоблаш, қоплаш учун сарф этилаётир, деб атаган бўлардим.

Шунингдек, Қонун лойиҳаси муҳокама этилаётганда тил билимовчи ҳамюртларимиз ўз ҳисобларидан тил ўрганишга астойдил киришгандилар. Қонун қабул қилингач, бу нарса барҳам топиб, ўрнини «хўжакўрсин»лик эгаллади. Чунки тил ўрганиш давлат ҳисобидан амалга оширилиши Қонунда белгилаб қўйилди. Тўғри, мазкур Қонун ўз вақтида собиқ СССР таъсирида қабул қилинган. Лекин, бугун мустақиллигимиз эътироф этилди. Демакки, собиқ СССР таъсиридаги бир қатор Қонунлар билан бирга «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қайта таҳрир этилиши лозим.

Дилмурод САИДОВ,
Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси ҳузуридаги масъул котиб.

„ОЙНАИ ЖАҲОН“ ДА КЎРИНГ

21–27 сенгябрь

Душанба, 21. IX

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Писмиқ». Болалар учун фильм.
18.45 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
20.00 «Камолот-90». Ёш хонандалар Республика танловининг олий соврин эгаси Тўлқин Ҳайдаров куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 85 йиллигига.
21.50 «Уран сайёрасининг йўлдоши». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

Ўқув кўрсатувлари

10.30 Физика. Молекуляр кинетик назариясининг асослари. Газ қонунлари.
11.00 «Киев ҳақида». Телефильм.
11.30 Математика. Натурал сонлар ва уларни қўшиш, айириш.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
20.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.35 «Дала ҳовли эгалари учун».
21.50 «Лаҳза». Хабарлар.
22.00 «Чорраҳа». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Брэйн-ринг».
9.50 «Янги авлод танлайди».
10.40 «Бир қоп олма». Мультфильм.
11.20 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
